Сохибкирон хазрат Амир Темур хаётлигида ўгиллари а невералари ўттиз олти киши бўлиб, шуларнинг орасидан Халил Султон отлиг набирасини бошкача мухаббат билан яхши кўрар, ўн тўрт яшарлигидаёк уни валиахд киламан деб кўнглига тугиб кўйган ва бунга асослари етарли эди.
Биринчидан, унниг зоти тоза ва улуг эди: онаси Севинбека Олтин Ўрда подшохи Ўзбекхоннинг набираси эди; отаси тўнгич ўгли баходир Мироншох бўлиб, кўп жангларда кахрамонлик намуналарини кўрсатганди.
Иккинчидан, 1384 йилда тугилган Халил Султон ташки кўриниши кўркам, кадди алифдек типпа-тик, юзлари чиройли бўлгани етмагандай яна хушхулк ва мулойим, сўзида турадиган, садокатли бола эди. Бирон киши унинг ёлгон ишлатгани ёки ваъдасига хилоф иш килганини кўрмаган эди.
Учинчидан, харбий сохада жасур ва кўркмас, тадбирли ва окил эди. Унинг бу томони Амир Темурнинг 1398 йилги Хиндистон сафарида яккол кўзга ташланди. Тарихчи Гиёсиддин Алининг ёзишича, 1398 йил 17 декабрь куни Темур кўшинлари билан хинд подшохи Махмуд Султон кўшинлари юзма-юз бўлдилар. Темур, кўшинларини Бахолий Пуштаси деган тепаликда жангга мослаб жойлаштирди: икки шахзода Пирмухаммад билан Сулаймоншохни ўнг канотга, икки шахзода Султон Хусайн билан Халил Султонни сўл канотга, шахзода Рустам ил Шайх Нуриддин, Шохмалик ва Оллохдодкаби саркардаларини манглайга кўйди; ўзи кўшиннинг олд томонига турди. Карши томонда Дехли подшоси Султон Махмуд, Маллухон хамда Хиндистоннинг таникли кўмндонлари, жахонга танилган лашкарбошилар саф тортишди. Уларнинг ўн минг отлик аскари, йигирма минг пиёда аскари, бир юз йигирмата жангга ўргатилган филлари бор бўлиб, довул пайтидаги дахшатли денгизни эслатарди. Филлар устида айлана ёгоч ўриндиклар ўрнатилган, бу жойларда камон-садокли мерган ўкчилар  ўтиришарди. Хартулари бир-бирига кўшиб богланган филларнинг каторлари ёнида кора тутунли олов ва гулдурос овозлар таратувчи махсус ўкотарлар бор эдики, булар хар кандай боитр одамни хам тахликага солар эди. Не-не жангларда жасорати ва кахрамонлиги билан танилган Хожа Фазл, Жалол Коший, Абдулжаббор сингари сардорлар жангга кирмаслик учун сохибкирондан изн сўрадилар. Ўша куни Амир Темур, у холда сизлар каерда бўласизлар, деб сўраганида, хотинлар ичида бўламиз, деганлари халк ичида латифа бўлиб кетган эди. Аммо Халил Султон денгиздай босиб келган ракиблар билан куюнга ўхшаб юзма-юз бўлди. Иблиссифат филлар хартуми билан одамларнинг бошларини соккадай тутиб олиб иргитиб келаётган бир паллада у килич билан филга ташланиб, уни яралади ва бўйнига сиртмок солиб чўккалатиб кўйди, жангдан кейин эса етаклаб келиб, бобосига совга килди. Хинд сафари галаба билн якунланиб, голиблар Самаркандга кайтишганда, Темур энди Халил Султонни валиахдим деб гапира бошлаган, бутун Самарканд халки уни муборакбод этиб, бошларидан гуллар ва сочкилар сочган эди.
1399 йили Темур Халил Султонни уйлантириб кўйди. Ўзининг Шербека ого деган синглиси ва амирзода куёви Алининг кизи Жахон Султонбегимни олиб берди.
Жахон Султонбегим оппок юзли, бўйи сал пастрок бўлса хам, комати карагайдай тиккатик ва текис, сочлари куюк, камгап-камсукум, аммо метин иродали киз эди. Киличбозликни, от минишни хам ўйрнлатар, сочларини телпак остига кистириб ё рўмол билан тангиб, йигитлар катори жанг-жалдалга хам кириб кетаверар эди. Бу гапнинг хеч кандай муболагали жойи йўк. Тарихчи Ибн Арабшох: “Темур аскари ичида аёллар хам

кўп бўларди. Эркак жангчиларга карши туриб, найза санчишда, килич билан зарба беришда ва камондан отишда эркаклардан хам ортикрок иш килган пайтлари кўп бўларди”, деб ёзади. Жахон Султонбегим шундай аёллар тоифасидан эди.
Бир дафъа Халил Султоннинг онаси Севинбека эри Мироншох ичкиликка берилиб, давлат ишларини ташлаб кўйгани, окибатда Эрон ва Озарбайжон тарафларда нотинчликлар бўлаётгани хакида хабар келтирди. Амир Темур Халил Султонни олиб, олдин Табризга, сўнг ўзи барпо этган Корабокка борди. Ўгли Мироншохни бир неча дарра урдириб жазолагач, юртни безовта килаётган элларни тинчитди. Сўнг Корабогда хурсандчилик килдилар. Шу ерда Халил Султон билан Жахон Султонбегим бир ўгил кўрдилар. Тўй устига тўй бўлиб, шодлик садолари кўкларга етди (1400).
Темур 1399-1404 йилларда Араб Ироки ва Шом сафарларини зафар билан якунлагач, Араб Ироки, Озарбайжон, Аррон, Мугон, Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини Мироншох ва унинг фарзандлари Абу Бакр ва Умар Мирзолар ўртасида таксимлаганда, Халил Султон Луристонни бериб, ўзи Самаркандга кайтди. Давлат ва хукук-тартибот ишларини кўнглидагидек йўлга кўйгандай кейин, Конигилга келди. Буюк юришларидан фарзандлари ва амирлари сог-саломат келганлиги шарафига катта тўй килиб набиралари Улугбек, Иброхим Султон, Жахонгир ва бошкаларни уйлантирди. 1404 йилнинг 7 сентябрида бошланган шодиёналар худди эртаклардагидай кирк кеча-кундуз давом этди. Тўйга Хитой, Олтой, Чекка Магриб, Миср, Рум, Фаранг ва Хинд мамлакатларининг элчилари, шунингдек, барча ўгил-кизлари, келин-куёвлари катори Луристондан Халил Султон билан Жахон Султонбегимни хам даъват этилганди.
Тўйда йигирма ёшли шгиракайф Халил Султон хонимлар каторида ўзи тенги бир кизни учратди. Чакнаб турган коп-кора шахло кўзлари аллакандай англашилмас ноз билан уни таъкиб этарди. Шунча жанг-жадаллар, оламни ларзага солган урушларда килт этмаган юраги ич-ичидан титраши, у томонга юрса оёк-кўлларининг бўшашиб кетиши шахзода учун янгилик эди. Хар неки бўлмасин, улар якиндан танишишга эришдилар. Севги кувончлари бошланиб кетди...
Тўйдан кейин Темур хукм килдиким, “ортик хеч киши ичмагай!” Унинг фикру хаёли Хитойга сафар масаласи билан машгул эди. Шахзодалар ва бекларга харбий тайёргарлик юзасидан турли топшириклар берди. Ўзи 27 ноябрда Самарканддан чикиб, Оксулот кишлогига келди ва эллик кун ўтирди. Ана шу кунларнинг бирида хузурига жияни (келини) Жахон Султонбегим арз билан келди ва Халил Султоннинг бир номаълум Шодия исмли киз билан яшаётгани ва хатто уни никохига олмокчи бўлаётгани хакида сўзлади.
Хазрат сохибкирон Шодия кимлигини аниклаш учун тез суриштирув ўтказди. Хожи Сайфуддиннинг чўриси, никохсиз хотини экан. Хожи Сайфуддинбек эса ўзининг эски дўсти ва тенгдоши. Йигитлик чогларидан буён бирга-бирга жанг килардилар, энг содик амирларидан эди. Амир Шохмалик ва Шайх Нуриддин хожи билан гаплашибдилар. “Халил Султон истаган экан, майли, олсин. Керак бўлса, яна бошка чўриларимдан хам бераман” депти. ёКаллаварам! Бобоси тенги амирнинг саркитини ўзига тенг кўрса-я!” дея аччикланган Темур, дархол икковини тутиб келтиришни буюрди. “Шахзода уни кочирди!” деб келишди одамлари. Вокеа шу билан тугагандай бўлди. Аммо Темур тез орада “Халил Шодияни никохига олибди, энди Шод Мулк эмиш, яшириб ўзи билан олиб юрганмиш” деган хабарни эшитди. Уни тутиб ўлдиртириб юбормокчи бўпти. Аммо орага тушган Бибихоним, Шод Мулк шахзодадан хомилали, деган хабарни етказганда, хукм килдиким, «Шод Мулкни Туман о-ога топширинглар, туыыандан сщнг болани олиб, щзини бир ыулга

хотинликка берсинлар!» Шу тариыа набирасини кечирди-ю, аммо уни валиахд ыилиш ниятидан кайтди. Халил Султон Тошкентга бориб, черик йигиш, Хитой сафарига отлар хозирлашни буюрди. Ўзи Оксулотдан кўчиб, Ўтрорга тушди (1405). Аммо Ўтрор Темурнинг сўнгги манзили эди. Хазрат сохибкирон ўлимидан олдин Пирмухаммад Жахонгирни валиахд килиб тайинлади ва тепасида хозир бўлган барча беклар ва бузургларга иттифок билан унга бўйсуниш борасида онт ичишларини талаб килди, ёбу ерда йўк ўзга беклар ва сардорлар хам ушбу дастурга амал килсинлар" деб буюрди. Онт ичганлар орасида Шайх Нуриддинбек: "Жонимиз бор экан, бу амру фармонингдан чикмаймиз. Кимда ким сўзингга хилоф килса, харгиз ёриуглик топмас" деб таъкидлади. Бу пайтда Халил Султон Тошкентда, Султон Хусайн Яссида эди, уларга хазратнинг хасталиги огирлашди, жахд билан етиб келинглар, деб одам юбордилар, Пирмухаммад Жахонгир Хуросоннинг олис Разнин вилоятида эди, унга "жахд билан Самаркандга етиб кел" деб хат жўнатдилар. Сохибкирониннг мухаффасини Бибихоним, Тўкалхоним, Туман ого, ўн яшар Мирзо Улугбек ва бошка беклар Самаркандга олиб боришсин, деб карор килдилар. Иброхим Султон бурунгидай Амир Темурнинг ногораларини чалдириб Ўтродан кунчикарга отланди ва Халил Султон билан Султон Хусайнга "Черикларингиз билан етиб келинг, иттифок билан юришни давом эттирамиз!" деб ёзди. Аммо Теумрнинг вафотини эшитган Султон Хусайн Самаркандга юзланди. Бундан шошиб колган Тошкентдаг беклар ўзларича Халил Султонни подшохликка кўтардилар ва унга байъат килдилар. Шайх Нуриддинбек, уларга, сизларнинг хараатингиз яхши эмас, сохибкирон подшохликни Пирмухаммад Жахонгирга васият килди. Зинхор хилоф амал килмангким, оламда ёмонотлик ва бахтсиз бўласиз, деб хат ёзди. Аммо Халил Султон макр-хийла ишлатиб Самарканд доругаси Аргуншохни йўлдан уриб, Самарканд тахтини эгаллаб олди.
Халил Султон бу пайтда йигирма бир яшар бўлиб, Шод Мулк билан ўрталаридаги мухаббат авж палласида эди. Бу асно Самарканддай бой шахар оламда йўк эди. Халил Султон ракам килишга сигмайдиган давлат хазинаси бойликларини амирлар ва бузургларга бер бошлади. Айникса мухолифларини сўнги йўк эди. Шод Мулкнинг кариндошлари ва дўстларини киска вакт ичида замон бойларига айлантирди. Ўзи эса Шод Мулкнинг сехридан чикмас эди. "Улар гўё кенг кўйлак кийиб, уни икковлари киярдилар ва бирлашардилар. Шод Мулкнинг раъйисиз Халил Султондан биронта фармон содир бўлмас эди" деб ёзади шу вактларда Самаркандда яшаган ва давр вокеаларига гувох бўлган тарихчи Ибн Арабшох. Шод МУлк хожининг чўриси бўлган пайтида Бобо Тармиш отлик бир хизматкорга хам ўйнашлик килган ва уни ўзининг содик хизматкорига айлантириб олган эди. Эндиликда ана ўша Бобо Тармишни мамлакатнинг бош вазири даражасига кўтариб кўйди. Шод Мулк Бибихоним билан Тўкалхонимни ими-жимида захарлади. Амир Темур васияти асосида валиахд тайинланган Пирмухаммад Жахонгир, Халил Султонга хат ёзиб, кандай хукук билан тахтни эгалладинг, деб сўраганида, мен бобом тахтни кандай эгаллаган бўлса, мен хам шундай килдим, маъносида жавоб кайтаради. Самарканд хазинаси бўшаб колаётгани ва Бобо Тармишнинг бетийик сиёсати окибатида амирларнинг кайфияти ёмонлашиб, мухолифат ва фитна шамоллари юксала бошлади. Бутун хиёнатлар ва саройдаги ахволдан аччикланган, хозир Хирот тахтидан хукм сураётган Шохрух Мирзо Халил Султонни Самарканд тахтидан четлатиш харакатига тушди. 1409 йил бахорида харбий санъат йўли билан тузокка туширди. Тожу тахт атрофидаги барча талончилар, фитначилар, шу жумладан Бобо Тармиш хам жазоланди. Шод Мулкнинг битмас-тугунмас бойликлари тортиб олиниб, ўзини аркон билан боглаб халк ичида сазойи килдилар. Шундан сўнг

Шохрух Хиротга арз билан келган Халил Султонни шохона кабул килди, севгилиси Шод Мулкка кўшди. Моварounнахр ва Туркистонни ўз ўгли Мирзо Улугбекка хатлаб берди. Халил Султон билан севгилиси Шод Мулкни эса мархум отаси Мироншох мулклари томонга, Ирок ва Озарбайжонга жўнатиб юборишни маъкул топди. У Халил Султонга шуни маслахат килиб, ўша тарафда хохлаган ерида маком тутиши мумкинлигини айтди. Халил Султон розилик билдиргач, салтанат асбобларини мухайё килди, бир канча номдор амирлар билан ўн минг машхур отликни унга кўшди. 1410 йил бахорида Халил СУлтон Ирок томонга жўнади. Олдин Рай вилоятига тушди. Бир-бири билан урушиб ётган амакиваччаларини яраштириш учун Исфахонга борди. Яраштиролмади. У ерда ўлат бошланганда, яна Райга кайтди ва энди шу ерда муким колажаги тўгрисида Шохрух Мирзога хат хам ёзди.
Ривоят килишларича, Халил Султон Райга кайтаркан, бир дарвешнинг полизи тепасига борган. У ковун келтириб Халилни мехмон килган. Дарвешга иноят кўрсатолмай узр сўраб чикиб кетган. Райга етиб келганда касалланган. Шод Мулк билан ўрталарида бенихоя аламли ва хасратли сухбат бўлиб ўтган экан.
—Севикли амакингиз Шохрух Мирзонинг жосуслари сизга сездирмасдан бир нарса берган, сиз ўшани ичгансиз, — деди Шод Мулк.
—Худодан кўрк, ундай дема. Менинг Райдаги ўлимим унга керакми?
—Керак! Сиз тирик экансиз, Хуросон ва Самарканд тахти доим хатар остида бўлади!
—Кўйсанг-чи, керак бўлса у мени аллакачон ўлдирарди. Унинг менда катта хусумати бўлса, шунча амирлар, ўн минг отликни берармиди?
—Никоб бу, никоб! Афкор оммага ўзини олижаноб килиб кўрсатмокчи бўлган!
—Йўк, Шодиям! Мен Исфахонда ковун едим, кетидан хеч нарса емадим, балки сув ичгандирман, ичган бўлсам... Балки шундан ичимда бир бузилиш юз бергандир.
—Йўк, сизга кимдир бир нима берган! Берган!
—Ўзингни бос. Огир бўл. Банданинг холи бу. Эртага нима бўлишини билмайди одам. Тану жон омонат. Мол-дунё омонат. Тожу тахт омонат...
Мен кетаман, Шодиям. Энди хисоб-китоблр киёматга колди. Сенга васият шулки, кизимиз Хуснигорни Улугбек Мирзонинг ихтиёрига топширгайсан. Балки, улгайганда никохига олар. Мендан рози бўл.
Шод Мулк “йўк” дея кўзлари ёшлу бошини чангаллаб ташга отилди.
1411 йилнинг 3 ноябрида Халил Султон оламдан кўз юмди.
Шод Мулк бир ханжар олиб учини кўкрагига кадади ва бор кучи, бор огирлиги билан ўзини ерга шундай ташладики, ханжар оркасида икки кураги орасидан тешиб чикди. Икковларини бир кабрга дафн килдилар.
Йигирма етти ёшда ўтишди. Нима хам кўришди? БУ олам бир мехмонхона... Ер сира тўймайди.
Одам барибир минг хил хаёлга боради: Хазрат сохибкирон Шод Мулкни саройга якинлатмасликни буюргани тўгримиди? Шахзодалар Темурнинг васиятига амал килганларида Темурийлар салтанати узокрок яшармиди? Ким билади, дейсиз? Такдир ишларига бир нима дейиш кийин...

Миразиз АЪЗАМ